ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00190

МАНЗАРА ЖАНРИНИ ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ ЎРНИ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Ч. Ж. Бекмиров
Тошкент шахри Камолиддин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти дотцент в.б.

АННОТАТЦИЯ

Мазкур мақолада тасвирий санъатнинг манзара жанри орқали табиатга бўлган ҳис туйғу талқин этилган. Тасвирий санъат асарлари орқали борлиқни идрок этишга урғу берилган.

Калит сўзлар: таълим, таълим олувчилар, ҳамкорлик, педагогикаси, устоз-шогирд анъанаси, манзара,жанр.

THE ROLE AND EDUCATIONAL SIGNIFICANCE OF THE LANDSCAPE GENRE IN THE FINE ARTS

C. J. Bekmirov
Associate Professor, National Institute of Art and Design named after Kamoliddin Bekhzod

ABSTRACT

In this article, the sense of nature is interpreted through the landscape genre of fine art. The emphasis is on the perception of being through works of fine art.

Keywords: education, students, collaboration, pedagogy, pedagogical traditions, landscape, genre

КИРИШ

Санъат-ижтимоий онг шаклларидан бири, борлиқни билишнинг алоҳида воситасидир. Ўзбекистонда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, ёшларнинг бадиий тафаккурини юксалтириш борасида бир қатор қарорлар қабул қилинаётганлиги қувонарлидир. Юртимизда ҳам барча соҳалар қатори санъат ва маданият соҳасига Президентимиз ва хукуматимизни алоҳида эътиборини айтиб ўтмасликни иложи йўқ , ўз тараққиёт йўлини янги юксак босқичга кўтаришга харакат қилаётган давлатимизни, дунёнинг кўзга кўринган халқаро ташкилотлари ҳам эътироф этишяпти ва бу албатта муносабатларда яққол

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00190

кўриниб турибди. Республикамизнинг келажакда ривожланган мамлакат бўлиши, жаҳоннинг буюк давлатлари қаторида тилга олинишида халқнинг маданияти, маърифати ва санъатининг ўрни беқиёсдир. Президент Ш.Мирзиёев асосий эътиборни ёшларга қаратмоқда, ёшларнинг олий ўқув юртларда тахсил олиб турли иқтисосликларни жумладан,тасвирий санъат сохасини ислоҳ қилиш бўйича кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда миллий маънавиятимиз ривожини тасвирий санъат намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълумки, санъатнинг турлари ниҳоятда кўп бўлиб, тасвирий санъат алохида ўрин эгаллайди. “Тасвирий” атамаси “тасвирилаш” сўзидан олинган бўлиб, унда турли материал, хусусан, бўёқ, тош, гипс, ёғоч шунингдек, бошқа бадиий ва ташландиқ материаллар ёрдамида ҳар хил образларни ва нарсаларнинг расми, ҳайкалини ифодалаш тушунилади. Тасвирий санъат илм-фан каби дунёни, ҳаётни, табиатни, ҳалқлар тарихини билишга хизмат қилади. Тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа даврига бориб тақалади. Бу вақтда кишилар воқеаларни, одам ва хайвонларни тошларга тасвирини чизиб, уларни кесиб турли кўриниш ва мазмунда ҳайкаллар ясаганлар. Қадимдан кишилар санъат, табиат ходисалари ва кишиларнинг ўзаро муносабатлари, фаолиятларига, хулқига ижобий таъсир кўрсатади деб ҳисоблаганлар. Шу қатори тасвирий санъат асарлари кишиларга катта куч билан таъсир кўрсатиш имкониятига ҳам эга. Кишилар тасвирий санъат асарларини томоша қилиш орқали уларда ифодаланган гўзалликни кўриш орқали ўз ҳаётига ана шундай гўзалликни киритишга ҳаракат қиладилар, асарлардаги қаҳрамонона ҳаракатларни кўриб уларга ўхшашга интиладилар. Санъат асарларидаги табиат неъматларидан руҳий озуқа олиш, ҳаётдан завқ олиш орқали улардан баҳраманд бўладилар, дам оладилар.

Айниқса, манзара жанрдаги асарларда борлиқ, табиатдаги кўринишлар ҳаққоний акс эттирилади. Манзарада фақатгина нарса ва воқеаларни эмас, балки мусаввирнинг ички кечинмалари ҳам ифодаланади. Айрим мусаввирлар водийларни, тоғу-тошларни тасвирлашга ишқибоз бўлсалар, бошқалари денгиз манзарасини тасвирлашда моҳирдирлар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00190

НАТИЖАЛАР

Рассомлар ўз асарларида ҳаётни қандай кўрсалар ўшандай эмас, балки ундаги характерли кўринишларни танлаб оладилар, керакмас иккинчи даражали кўринишларни тушуриб қолдирадилар, муҳимларини бўрттириб кўрсатадилар. Танишиш ва бўрттириш орқали рассомлар нарса ва ҳодисаларни кишиларнинг тафаккури ва ҳиссиётларига самарали таъсир кўрсатишга эришадилар. Рассом борлиқни шунчаки биладиган шахс эмас, балки у бой тасаввур ва тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлган кишидир. У ўз ижодида борлиқни шунчаки акс эттирибгина қолмай, балки унга асосланган ҳолда нималарнидир ўйлаб топади, тасаввур этади ва тўқийди. Энг муҳими санъат асарлари ўз мазмунида борлиқни акс эттирибгина қолмасдан, у рассомнинг ғояларини ифодалайди, уни бойитади, шу билан бирга бундай асарлар томошабинга эмотсионал таъсир кўрсатиш кучига ҳам эгадир.

Тасвирий санъатда табиат, шаҳар, индустриал, интерйер кўринишларини тасвирланиши манзара жанрга таалуқлидир. Манзара жанридаги асарларнинг айримлари бевосита табиат манзарасини ҳақиқий кўринишини тасвирласа, бошқалари ижодий тарзда хаёлан ифодаланган бўлади. Баъзан бу икки ҳол бир асарда бўлишлиги ҳам мумкин. Манзара жанрини пайдо бўлиши жуда узоқларга бориб тақалади. Манзара тасвирларининг кенг тарқалишини Қадимги Шарқ ва Крит ороллари мисолида кўриш мумкин.

МУҲОКАМА

Масалан, эрамиздан аввалги аср Бени-Хасандаги қабр тасвирида ёввойи мушик ови тасвирланган. Бу жанр эса мустақил равишда Хитойда 6 асрда пайдо бўлган.

Жанр (французча генре -„ко‘риниш“) - шаклий ва таркибий хусусиятлар мажмуи билан тавсифланувчи асар тури.

Европа санъатида эса Ўйғониш даврида илмий асосда яъни чизиқли ва хаво (ранг) переспективаси асосида шаклланган.

Манзара жанрини икки хили мавжуд. Биринчиси мустақил тури бўлиб, унда фақат манзара акс эттирилади. Иккинчи турида манзара бирон тасвир фонида тасвирланади. Масалан, портретни орқа томонида табиат ёки шаҳар манзараси тасвирланиши мумкин.

Манзара жанрининг кўринишларидан бири бу интерйер ҳисобланади. У биноларнинг ички қисм кўринишларини ифодалайди. Бу жанр қадимги Миср, Хитой рассомчилигида учрайди. Улар ўз ишларида ақл бовар қилмайдиган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00190

даражада аниқлик билан перспектива қонунлари асосида интерйерни тасвирлай олганлар.

Бу жанрда ижод қилган Жотто, А.Веррокко, Леонардо до Винчи, Рембрантлар шухрат қозонганлар.

Манзара жанрининг иккинчи бир кўриниши бу марина жанридир. Унда асосан денгиз кўринишлари ва ундаги ҳодисалар тасвирланади. Марина жанрини шаклланишида И.Айвазовскийнинг хизматлари катта бўлган. У ўзининг умрини фақат денгиз кўринишларини тасвирлашга бағишлади. Унинг “Тўққизинчи вал”, “Чесмен жанги”, “Қора денгиз”, “Тўлқинлар орасида” каби асарлари жаҳон тасвирий санъатида муносиб ўринни эгаллади.

Манзара жанри кўпроқ рангтасвирда, қисман графика ва ҳайкалтарошликда қўлланилади. Ҳайкалтарошликда манзара асосан унинг релйеф турида ишлатилади. Ҳайкалтарошликда манзара кўринишлари асосий эмас, тўлдирувчи, қўшимча аҳамият касб этади. Уларни ёритиб беришда бизга композитциянинг урни жуда катта.

Композитция сўзи лотинчадан “компоситио” - яни предметларини бўлакларини солиштириб, маълум тартибда яхлит жойлаштириш, ғояга мувофиқ ижод қилиш, баён қилиш, композитсия тузиш демакдир.

Композитция, санъатнинг ҳамма турларини негизида мавжуд: адабиёт, театр-кино, мусиқа, тасвирий ва амалий санъат, архитектура ва ҳоказо.

Композитсия ўқув предмет сифатида, қаламтасвир, рангтасвирдан кейин пайдо бўлди ва ҳозирда композитсия курси олий таълим касб-ҳунарлари ўқув режаларига киритилган.

Педагогика университетларининг тасвирий санъат факултетларида композитция фани ўқувчиларни ижодий қобилиятларини ривожлантириш билан бирга композитция қонун, қоидаларини, хақиқатни тўғри шаклда ифодалаш усулларини ўргатади.

Тасвирий санъатда композитция қаламтасвир, соя-ёруғ, ранг, хаво ва чизиқ перспективаси каби тасвирий воситалар билан яратилади.

Композитция курси ўқувчиларни мустақил ижодий ва педагогик фаолиятида образли фикр юргазишида катта аҳамиятга эгадир.

Композитсия қонун - қоидаларини чуқур билиш, қобилиятли ижодкор онгига сайқал беради. Етук рассомларнинг ижодий тажрибасига ва композитсияни ўқитиш услубиятига асосланиб Бадиий Академия томонидан 1960-64 йиллари нашр этилган 8 жилдли «Школа изобразителного искуства» номли методик қўлланма тасвирий санъат манбаини бойитди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00190

Санъат асарларини тахлил қилганимизда, композитсия қоида ва усуллари ўз моҳиятини аста – секин йўқотиб, янги композитсия қоидалари пайдо бўла бошлади. Бадиий асар яратишда рассомлар табиий ва онгли равишда композитсия қонунларига риоя қилишади. Ҳар бир ижтимоий – жамият санъат олдида янги замонавий вазифаларни кўндаланг қўяди.

Ҳозирги вақтда биз композитсияни назарий асосларини икки гуруҳга ажратиб ўрганамиз.

1. Композитсия қонунлари.
2. Композитсия қоида ва усуллари.

Композитсия усул (йўллари). Композитсияни асосий усулларидан бири ритмни ифодалаш, композитсия мавзуси марказини аниқлаш, симметрик ёки ассиметрик ҳолати, массани иккинчи пландаги кенгликдаги асосий қурилмасини жойлаштириш.

Ритм ҳаётда ва санъатда мавжудлиги рассом учун яхши белги, воситадир у бир элементни ораликда галма –гал қайтарилишидир. Асар ғоясини композитсия тузилишини идрок этишда ритм эстетик образли тасаввур ролини ўйнайди ва контраст ранг, тон қонунларига суянади. Ҳар қандай ижодкор ўтмишдаги рангтасвир санъати усталарини меросини ва тажрибаларини ўрганиш билан бирга, томошабинга чуқур таъсир этувчи тасвир, композитсия қонун услубиятини ҳам ўрганади.

Амалиётда композитсиянинг зарур унсурлари мавжуд. Яхлитлик қонуни, ўхшатиш, контраст қонун воситаларини мазмуни ва ғояга бўйсиниш композитсияни асосий қонунлари деб ҳисобланади.

Бу қонуннинг белгилари Е. Кибрикнинг китобида тўла ва чуқур анализ қилиб берилган композитсияда биринчи яхлитлик белгиси қонунига риоя қилинганлиги сабабли, санъат асари бўлинмас бир бутун бўлиб кўринади.

Композитсия яхлитлигида композитсия элементлари шакл, хажм, «палатно», оралиқ ҳарактер нусха, имо – ишора билан ифодаланади. Мисол тариқасида И.Репиннинг «Крестнўй ход в Курской губурнии» картинаси бир қарашда яхлит «пятно» шаклида кўринади.

Композитсиядаги омма – халойиқ тасвири диоганал жойлашган бўлиб, картинани тўрт бурчагини боғлаб туради. Ниҳоятда кўп сонли ҳалойиқ жамоа тасвирланган бўлсада, ҳар бир киши ҳарактери, нусхаси салбий, ижобий образлар, синфий қарама - қаршиликлар, хулласи рус жамияти ўз ифодасини топган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00190

Хақиқат қонуни – асосан учта белги билан ифодаланади. Биринчи белги бу бадиий асарда содир бўлаётган воқеани вазиятнинг ўзига хослиги. А. Саврасовнинг «Қора қағалар учиб келдилар», И. Левитанинг «Олтин куз», А. Куинджининг «Қайинзорда», А.Рўловнинг «Ҳаво ранг кенгликда» манзараларида мазмун, нафосат, билан бирга рус табиатини ўзига хос образи тасвирланган. Типизатсия қонунининг иккинчи белгиси – бу содир бўлаётган воқеа мавзуини, ҳаракат ҳолатини вақтини тасвирлайди.

Ю. Пименев «Янги Москва», «Эртанги кўчаларда тўй» асарида кўз олдимизда ўзгараётган ҳаракатдаги замонавий шаҳар ҳаётини кўрсатган. Тўй маросимини йўналишида келажак ҳаётга шахдам қадам ташлаётган халқларнинг ҳолатидир. Типизатсия қонунинг учинчи белгиси бу – янгиликдир.

Реалистик санъат хақиқатни тўғри ифода этиб қолмай, рассом ҳис туйғуларини, эстетик гўзалликни, тасаввурни жозибали тараннум этади.

Бадиий образдаги эстетик сифатлар, композитсия ечимидаги янгиликлар рассом томонидан кашф этилади.

Эстетик кашфиётларни Микеланжело, Титсиан, Рембранатнинг ўлмас асарларида, А. Дейнека, А. Пластов, К.Юон Асарларида композитсия тузилишини бадиий воситаларидан мавзуда янгилик тушунчасини кўрамиз. «Новизна» - янгилик оқимини биз А. Куинджининг «Қайинзорлар», В.Поленловнинг «Москвадаги ҳовли», манзарасида кўрамиз.

Манзара санъати ташқи дунёнинг гўзаллигини акс эттириш билан инсонга ижобий таъсир этувчи кучга эга. Шунинг учун рассом табиат оламини энг нозик, типик ҳолатларини, ранг гармонияларини англаб, табиатга нисбатан бўлган эстетик муносабатини билдиради.

Манзара асарида инсон шахси, ақл заковатини, ички туйғуларини тасвир орқали қўшиқ қилиб куйлайди ва табиат образини яратади. Мисол тариқасида И.Левитаннинг «Владимрка», «Абадий сокунлик узра»,И.Шишкиннинг , «Ўрмон йироқликлари», В.Мешковнинг «Урал ҳақида ўйлар» асарларини келтириш мумкин.

Тасвирий санъатдаги манзара жанрига оид асарлари инсонда табиатга ва гўзаллик фазилатларини шакллантиради. Рассомлар тарихий ва маиший мавзудаги асарларда бевосита манзарага ҳам мурожат қиладилар этюд, эскизлар ёзадилар. Бу ҳолда манзара картинада қўшимча фон вазифасини ўтайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00190

В. Васнетсовнинг «Алёнушка» асари бунга мисол бўла олади. Табиий гўзалигини, замонасига хос янгилик ўзгаришларни К. Юон, Г. Нисский каби рассомлар ҳам ўз асарларида тасвирлаб намоиш этдилар.

50-70 йилларда Ўзбекистонда манзара жанрида ижод этган рассомлар У. Тансиқбоев «Иссиқ кўл», «Она ўлка», ”Қайроққум сув омбори”, Н. Қорахон «Нанай йўли», ”Сижжакда баҳор”, Р. Темуров Самарқанд архитектура манзаралари туркимини яратдилар.

70-80 йилларда Ғ.Абдураҳмонов, Ф.Тохиров. Р.Чориев, К.Богадухов, М.Есин, Пудовкин каби рассомлар манзара жанрида самарали ижод қилдилар. Ҳозирги вақтда кўплаб изланувчи иқтидорли рассомлар, А. Нуритдинов, О.Қозоқов, З. Исломшиков, А. Мўминов, А. Мирсоатов кабилар мустақил Ўзбекистон гўзал табиатини мадх этувчи мафтункор манзараларни яратиб келмоқдалар.

Манзаранининг бир неча турлари мавжуд. Шаҳар (Архитектура), қишлоқ (тоғ) манзара, саноат (завод, фабрика, иншоат қурилиш), тарихий, романтик, лирик, панорама (кўринишида) манзаралари шулар жумласидандир.

Бу жанрда композитсия яратиш учун, қаламтасвир рангтасвир сохаларида мукаммал билимга эга бўлиш керак. Натурадан дастлабки чизилган чизғи рангли этюдлар манзара композитсиясини тузишда асосий мавзу бўлиши мумкин. Қишлоқ манзарасини композитсиясини тасвирламоқчи бўлсак аввал табиатда қуёшли, булутли кунлар,, пешин, оқшом ҳолатини ҳарактерли жойларини синчиклаб кузатиш керак.

ХУЛОСА

Хулоса килиб шуни такидлаш лозимки. Бўлажак рассом учун ҳаётни кузатиш, мавзу юзасидан кундалик қаламчизги ва этюдларни бажариш машқларни қилишга киришса мақсадга мувофиқ иш бўлади.Манзара жанридаги асарлар инсон учун маънавий озиқа беради, уни руҳлантиради, ҳаётга шодлик ва қувонч бағишлайди.Композитсия - бу муаллифнинг ижодий, бадиий иродаси, махсули ҳисобланади.Тасвирий санъат миллийликка асосланади, айни пайтда эзгулик, олижаноблик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, маънавий етуклик каби умуминсоний ғояларни тарғиб этади. Юртимизга четдан кириб келаётган барча асарни ҳам санъат деб қабул қилиш нотўғри. Бугунги глобаллашув жараёнида, тезкор ахборотлашув даврида ёшларни оқни қорадан, яхшини ёмондан фарқлай олишга ўргатиш зиммамиздаги асосий вазифалардандир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00190

Шу боис бўлажак тсвирий санъат ўқитувчилари олий ўқув юртида таълим олаётган вақтданоқ қамровли фаолиятга ўзларини тайёрлаб боришлари лозим.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-2909 сонли қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 20 апрель
2. Ўзбекистон Республикаси Президентинин “Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” г Қарори. 16.08.2017 й. н пқ-3219
3. Жахон санъати тарихи Н.Абдуллаев тошкент “давр пресс” 2007 бет 4-22.
4. Дастгоҳли ранг тасвирда композитсия асослари (Санъат олий таълитн ўқув юртлари ва коллежлари ўқитувчилари учун методик
қўлланма) С. Раметов «Шарқ» Нашриёт манба акциядорлик бош таҳририяти тошкент 2007
5. Ўзбекистон санъат тарихи Н.Абдуллаев Ўзбекистон файласуфлари миллий жамият нашриёти Тошкент-2007 бет 179
6. Ирбутаева, М. Т., Махмудов, М. Ж., & Махмудов, М. Э. (2020). Живопись и гармония музыки. Ученый X X И века, 6-1(65), 31-34.
7. Ma’mura Irbutayeva The importance of the teacher-student system in teaching the fine arts. Academic Research In Educational Sciences Vol.1 No. 2. 2020 ISSN 2181-1385 Page 399-404
8. Махмудова, М. Т. (2020). Мусиқанинг тасвирий санъат асарларидаги ўрни ва аҳамияти. Academic Research In Educational Sciences, 1 (4), 80-84.